# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 132 (9.324) 1999 йил 12 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000

*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга* 23 кун қолди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига* 58 кун қолди

**Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти**

**БУГУН**

**биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИДАН кўрсатилган номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материалларини газетанинг 2- ва 3-саҳифаларида ёритмоқдамиз.**

**Бу материалларни таҳририятга ҳокимият вакиллик органи тақдим этган.**

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.***

***Ушбу ташриф асносида давлатларимиз ўртасида тўққизта ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан то маданият, почта ва телекоммуникациягача бўлган жуда кўп соҳаларни қамраган. Пекинда Президентимизнинг ташрифига катта эътибор қаратилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Хитойга учинчи сафари эди. Илгариги ташрифлар ҳам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиққан. Бинобарин, Ислом Каримов илк бошдаёқ мазкур сафар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғоналарга кўтаришига умид билдирди. Икки давлат раҳбарлари суҳбатлари давомида ўзаро алоқаларни янада яхшилаш учун бор имкониятдан тўла фойдаланишга келишиб олди.***



Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикри бир жойдан чиққанини шундан билиш мумкинки, ХХР раҳбари Цзян Цзэмин, ташриф дастури доирасидан ташқари яна алоҳида учрашув ўтказиш таклифини билдирди. Сафарнинг учинчи куни ХХР раисининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг мулоқоти давом эттирилди. Айтишларича, Хитойда айни ташриф чоғида айни раҳбар билан икки марта, бунинг устига давлат раҳбарининг қароргоҳида алоҳида учрашиш ҳолати ҳали кузатилмаган экан. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентига эҳтиром ва ишонч, давлатимиз ва халқимизга қизиқиш, интилиш ва юксак ҳурмат белгисидир.

Энди давлатлараро муносабатларда асосий мезонлардан бири бўлган савдо-иқтисодий алоқалар хусусида.

Бу борада алоҳида қайд этиладиган муҳим жиҳат бор. Хитой, гарчи у БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлса-да, ривожланаётган давлатлар сирасига киради ва табиийки, биринчи навбатда сармоя чиқаришга эмас, аксинча, киритишга интилади. Мамлакатда дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кўплаб қўшма корхоналар тузилган ё яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Қарийб барча соҳага хориждан илғор технология жалб қилиняпти. ХХР ўзининг 1,25 миллиардлик нуфусигина эмас, иқтисодий қудрати билан ҳам эътиборлидир. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этяпти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20-22 фоизи Хитойга киритиляпти. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Лекин, Хитойнинг ўзи ҳозирча хорижга сармоя чиқариш учун унчалик катта имкониятга эга эмас. Айни ҳолатни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Биз хорижий сармоя жалб қилишга, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш тизими, техника янгиланмоқда. Лекин Ўзбекистонда кечаётган бу жараёнда Хитойнинг ҳиссаси, афсуски, имконият даражасидан анча паст. Президентимизнинг ХХРга буюрган ташрифи чоғида бу гап бир неча бор алоҳида таъкидланди.

Аслида Ўзбекистон ўз минтақасида, Хитой эса Жануби-шарқий ва Шарқий Осиёдаги марказий давлатлардир. Хитойнинг бирор компанияси Марказий Осиёда иш юритишни истаса, буни Ўзбекистондан бошлагани анча қулай.

Бунинг сабабини қуйидаги рақамлар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш йилига 3-4 фоизни ташкил этяпти. Хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит ва жорий қилинган имтиёзлар ҳам беқиёс. Ўзбекистон тўлов қобилиятига эга бўлган, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаётган давлатдир.

Шундай экан, истаган соҳада, аввало, табиийки, иқтисодиёт таянчи ҳисобланган асосий тармоқларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали. Бунга мисол сифатида машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация соҳалари, кимё ва енгил саноатни айтиш мумкин.

Масалан, Хитой Ўзбекистондан йигирмага яқин ИЛ-76 русумли самолёт сотиб олиш ниятида. Бу ҳақда шартнома ҳам имзоланган. Лекин бу миқдор кам. Зеро, ИЛ-76нинг бошқа мамлакатлар, жумладан Форс кўрфази, Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ, кўплаб Африка давлатларида ҳам бозори чаққон. Авиацияда у билан рақобатлаша оладиган самолёт жуда кам. Ўзбекистон маҳсулотининг эса баҳоси ҳам, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатиш нархи ҳам нисбатан арзон.

Айни гапни автомобилсозлик бўйича ҳам айтиш мумкин. Бизнинг «Нексия»лар Хитой бозорида анча қиммат. Хитой томони ўзбек автомобилларининг нархи, сотилгандан кейин кўрсатиладиган хизмат арзонлаштирилса, уни катта миқдорда импорт қилишга истак билдирди. Лекин бу ерда бошқа - бож масаласи ҳам бор. ХХР ўз қўшнилари - Қозоғистон ва Россия билан бож тарифларини маълум фоиз қисқартиришга келишган. Бу, албатта, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидасига уйғун. Лекин, теранроқ назар ташласак, Ўзбекистон ҳам Хитой учун қарийб қўшни давлат. Агар давлатларимиз ўртасида бож тарифларини қисқартиришга келишилса, нафақат «Нексия»нинг, бошқа товарларнинг ҳам баҳоси нисбатан арзонлашади.

Музокараларда Ислом Каримов шундай амалий таклифларни илгари сурди. Хитой томони уларни қўллаб-қувватлади.

Яна бир тўхталиш жоиз бўлган масала, агротехникага тааллуқли. Ўзбекистонда Хитой минитракторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Табиийки, энди бу соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш керак. Хитой ҳукумати бу борадаги лойиҳа ижроси учун 100 миллион юан ажратишга қарор қилди. Яъни, Хитой тракторларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишига келишилди.

Хитой ташқи сиёсати борасида гап кетганида, унинг Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқ керак. Масалан, Президентимизнинг «Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона» деб эълон қилиш ва Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари»дан иборат «6+2» гуруҳини тузиш ташаббусларини айтиш мумкин. «Ядродан холи зона» ғояси Хитой томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. «6+2»да ҳам у бевосита иштирок этяпти.

Хитой ҳам Ўзбекистон каби улкан тарих, маданий мерос, асори атиқаларга бой давлат. Президент Ислом Каримов Пекинга ташрифи чоғида зиёрат қилган «Гугун» император саройининг ўзи ажойиб тарихий ва маданий меросдир. Саройни кузатар экан, киши ёдига беихтиёр Самарқанддаги муҳташам Регистон мажмуи, Бухородаги пурвиқор Арк ё мафтункор Ситораи Моҳи Хосса, Хевадаги Ичон қалъа тушади.

Булар тарихимиз, маданиятимиз муштарак жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. «Шарқ фалсафаси», «Шарқ маданияти», «Шарқ анъаналари» деганда, ҳам ўзбек, ҳам хитойнинг қадриятлари назарга олинишини бундай мисолларда ҳис этиш мумкин.

Улардан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Табиийки, маданият ва санъат, тарих ва бошқа соҳаларда ўзаро ахборот, билим ва тажриба алмашувни кенг йўлга қўйиш керак. Бу сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлади. Масалан, қадим Буюк Ипак йўлини олайлик. Қадимда бу робита неча-неча мамлакатларни боғлаган. Ҳозирги шароитда у тўла қувват билан «ишласа», яъни автомобиль йўли ва темир йўл тўла қурилиб ё таъмирланиб ишга тушса, дунё иқтисодиётидаги вазият ўзгаришига шубҳа йўқ. Оддий мисол, экспортчи давлат саналувчи Хитой учун Қора денгиз, Каспий денгизи, Форс кўрфазига йўл очилади. Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи давлатларидан то Хитойнинг олис портларигача етадиган осон ва арзон транспорт йўлига эга бўлади. Умуман, Буюк Ипак йўли тўла қувват билан қайта ишга туширилса, унинг бўйидаги барча мамлакатлар фойда кўради...

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яна бир хорижий сафари якунланди. Ташриф асносида томонлар нафақат икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш, балки, уларнинг қамровини янада кенгайтириш, ривожлантиришга келишиб олдилар. Бу эса ташрифнинг асосий мақсадларидан бири эди.

***Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири.***

Тошкент-Пекин-Тошкент.

***СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.***

***Абдувоҳид Тўраев олган сурат.***

# БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

***Шу кунларда шаҳримиздаги барча сайлов участкаларида иш қизғин. Жумладан, Ҳамза туманидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлов ўтказувчи 382-сайлов участкасига борганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик.***

Зеро, сайлов участкаси жойлашган хона ораста, ундан сайловга доир шиорлар, турли-туман адабиётлар, газета-журналлар, керакли барча алоқа воситалари ўрин олган.

— Сайлов, бу — биз ташвиқотчилар учун имтиҳон, — дейди участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Наима Ғоибназарова. — Сайловчилар ўртасида ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги, сайлов жараёнининг тартиб-қоидаларини тушунтириш билан бирга сайловчилар рўйхатини тайёрлаб, ҳокимият тасдиғидан ўтказиш ҳам вазифаларимиз доирасига киради.

5 декабрь куни участкамизда 2600 нафар сайловчи ўзлари танлаган, ишонган номзодга овоз беради. Сайловчиларнинг рўйхати эса тайёр.

— Эндиликда ҳар биримиз сайловолди тадбирларида номзодлар билан учрашиб, уларнинг дастури билан танишган ҳолда энг муносибларини танлаш имкониятига эга бўлдик, — дея суҳбатга қўшилди Тоториқ кўчасида истиқомат қилувчи сайловчи Зулфия Маҳкамова.

Ҳа, сайловчилар ҳақ, ҳар биримиз билим ва тажрибага эга захматкаш, виждони пок ва шижоатли номзодларга овоз берсак, ўзимизнинг инсонийлик бурчимизни бажарган бўламиз.

***Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.***




**Мирзо Улуғбек туманидаги картография ва геодезия техникумида жойлашган 104-сайлов участкасида сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишлари учун барча тегишли шарт-шароитлар муҳайё этилган.**

**СУРАТДА: (чапдан ўнгга) техникум директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари М. Раҳмонов, Г. Жўрабекова, сайлов участкаси раисининг ўринбосари Г. Қодирқулова ва сайлов участкаси котиби Р. Нуриева каби ташвиқотчилар гуруҳи сайловчилар рўйхати билан танишмоқда.**

**Равиль Альбеков олган сурат.**

## ДАВР САДОСИ

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган китобида ўртага қўйилган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил равишда татбиқ этиш борасидаги тадбирлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг зобитлар Марказий саройида ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Миллий матбуот марказида Давлат тест маркази раҳбариятининг журналистлар билан учрашуви жорий йилда республика олий ўқув юртларида тест синовлари якунларига бағишланди.

◆ Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгашида Тошкентда Украина «Батьковшчина» маданий-маърифий маркази ташкил этилганлигининг беш йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

◆ Республика таълим марказида мактабларда рейтинг тизимидан фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

◆ **Кеча** республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мажлислар залида иқтисодиёт, тарих, фалсафа ва социологиядан Ўзбекистоннинг олий ўқув муассасаларига 28 минг нусхадаги китобларни туҳфа этиш маросими ўтказилди.

◆ **Бугун** пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Навоийда бадиий гимнастика бўйича «Қизилқум олтини-99» халқаро турнири очилди.

◆ **Бугун** Жиззах вилоятида республикамиз спортчи аёлларининг «Тўмарис» деб номланган ажойиб фестивали бошланди.

### ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Бобохонов ўриндошлик асосида Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад бин Исо бин Салмон Ол Халифага ишонч ёрлиғи топширди.

◆ **Бугун** Озарбайжонда демократия байрами нишонланмоқда. Мамлакат Конституция қабул қилинганлигининг 4 йиллигини байрам қилмоқда.

◆ Пекинда Хитойнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши хусусида Америка — Хитой музокаралари бошланди.

◆ Белоруссия ва Латвия белорус юкларини қайта ишлаш ва ташиш учун Латвия портларидан фойдаланиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

◆ Исроилнинг Хайфа шаҳридаги Технион университети билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

◆ БМТ котибиятининг раҳбарияти Чеченистон раҳбарларидан ҳеч қандай мурожаатнома ва мактублар олмади, деб хабар берди БМТ Бош котибининг матбуот бўйича расмий вакили.

◆ Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шарифни оғир жазо, ҳатто ўлим жазоси кутмоқда. У армияга қарши фитнада, илгаридан мўлжалланган ўлдиришларга уринишларда ва бошқа қатор жиноятларда айбланмоқда.

◆ Колумбия пойтахтида содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида саккиз киши жароҳат олди.

◆ Маблағлар етишмаслиги оқибатида Аргентинанинг Париж, Пекин ва Ла-Пасдаги элчихоналарини чироқсиз, сувсиз ва телефон алоқасиз қолиш хавфи кутмоқда.

◆ Хитойнинг Гуандун вилоятида ноқонуний тарзда валюта операцияларини қилганликда айбланган тўққиз киши, шу жумладан олти нафар банк ходими турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

◆ Франциянинг Лан шаҳридаги оммавий тартибсизликларда қатнашган тўрт нафар немис безориси ГФРда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиндилар.

◆ Ҳиндистоннинг Орисса штатида ўта кучли табиий офат юз берди. Океандан бостириб келган кучли довул қирғоқ бўйидаги шаҳар ва қишлоқларни сув остида қолдирди. Офат халқ бошига бениҳоя катта кулфат келтирди.

◆ Бразилиянинг Пара штатида 295 килограмм олтин қуролли гуруҳ томонидан ўғирлаб кетилди. «Вали ду Рио-Доси» компаниясининг олтини ортилган вертолёт аэропортга қўнган пайтда 14 нафар қуролланган ўғри аэропортга бостириб кириб ана шу ўғирликни содир этган.

◆ Голландиянинг Холговее шаҳрида халқаро гроссмейстерлар турнири ниҳоясига етди. 50 нафар энг кучли шахматчи иштирок этган бу мусобақада Ўзбекистондан Рустам Қосимжонов ҳам қатнашди. 9 имкониятдан 6,5 хол йиғиб, биринчи-бешинчи ўринларни бўлашиб олган шахматчилар қаторида ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳам бор.

◆ **Бугун** Испанияда самбо бўйича дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакати иштирокида жаҳон чемпионати бошланди. Унда ўзбекистонлик самбочилар 9 вазн тоифасида қатнашмоқда. Чемпионат 15 ноябрга қадар давом этади.

◆ Австралиялик олимлар пиво инсон саломатлиги учун ўта фойдали деган фикрга келишди. Профессор Леон Саймонснинг аниқлашича, ҳар куни 1—2 қадаҳдан пиво ичган киши, бу ичимликни умуман истеъмол қилмаётганларга қараганда узоқроқ яшайди. Бироқ ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, пивони ҳаддан ташқари кўп ичиш фойдали эмас экан. У қон босимини ошириб, юрак хасталигини орттириши ҳеч гап эмас.

◆ Дунёда узоқ вақт қарсак чалган одам ким эканлигини биласизми? Ҳиндистоннинг Тамилнад шаҳрида яшовчи С. Жаёролон 1998 йилнинг 12 февралидан 15 февралига қадар 58 соату 9 дақиқа давомида тинимсиз қарсак чалиб турди.

*«Оқшом» шарҳи*

# БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***Республикамизда сайловолди ҳаракатлари қизғин паллага кирди. Бу халқимиз ва давлатимиз тақдири, Мустақил ватанимиз келажагини белгиловчи энг муҳим омил дейиш мумкин.***

Чунки Олий Мажлисдан туманларгача сайланадиган депутатларнинг ҳаммаси аввало, бутун борлиғи билан қалқиб турган бугунги дунёнинг ғоят мураккаб тарихий бир вазиятида ўз халқимиз, давлатимиз эркинлигини, тинчлигини, Мустақиллигини сақлаш, уни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини тобора ошириб боришга даъват этилган. Демак сайловларимиз — ўз тақдиримиздир. Буни ҳар бир депутатдан тортиб, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларгача чуқур идрок этишлари мақсадга энг мувофиқ омиллардан бўлиб қолади...

Кейинги кунларда республикамизда рўй берган муҳим янгиликлардан бири — буюк ватанпарвар сиймоларимиздан бири — Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик тўйи бўлса, иккинчиси ўлмас халқимиз достонларидан бири «Алпомиш»нинг минг йиллиги тантаналари бўлди. Мазкур ҳар икки тадбир муносабати билан Хоразм ва Сурхон воҳаларида барпо этилган кўркам боғлар, ўрнатилган ёдгорликлар ва худди шу оламшумул зиёратгоҳга айланиб қоладиган масканлар ўтган катта байрамлар — ниманинг шароfати-ю ниманинг натижалари деб ўйлайсиз? Албатта, тинчлик, барқарорлик ва уни бахшида этган буюк Истиқлолимиз неъматидир. Зеро шўролар даврида бу икки йирик тадбирни ўтказиш учун марказдан рухсат сўраш шартлиги устига «хўжайинлар» унга рухсат бермаслиги ҳам аниқ эди...Боғ яратиш, ёдгорлик ўрнатиш эса, ундан ҳам баттар мушкул, розилик олишларни талаб этарди.

Республикамиз Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ҳам Мустақил давлатимиз, халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Хитой давлати дунёда ўз халқи, тараққиёти, иқтисодий, илмий-техникавий ривожи билан катта мавқега эга давлатлардан бири бўлиб бизга айрим чегараларининг ҳудудий яқинлиги ҳам муайян аҳамият касб этади. Бу ҳақда Президентимиз Хитойга жўнаб кетишлари олдидан аэропортда журналистларнинг саволларига жавобларида батафсил маълумот берганлари маълум, унда таъкидланганидек, Хитой давлати дунёда халқи энг кўп мамлакат бўлишига қарамай ўз фуқароларини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашга эришибгина қолмай, хорижга маҳсулотлар чиқаришни эплаётган бир улуғ макон бўлиб турибди. Халқаро ташкилотларда нуфузли аъзолардан бири. Биз шундай бир давлат билан иқтисодий, сиёсий, ҳар икки томон манфаатларига кўмак берадиган алоқаларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Хитойдан бошланган қадимий Ипак йўлининг тикланиши, Тошкент — Андижон, Ўш — Хитой автомобиль йўллар қурилиши, томонларнинг иқтисодий манфаатлари учун жуда фойдали тадбир бўлиб қолиши аниқ. Зеро дунёда ўзаро манфаатли иқтисодий, дўстона, беғараз алоқаларни ривожлантириш билангина халқлар ҳаёти фаровонлиги таъмин этилади. Бу ўринда — ҳозир кенг тарқалган ҳар хил террорчилар, жиноятчиларни тутиб топшириш ҳам катта аҳамият касб этади. Демак, фақат барқарорликгина тараққиётга гаров бўлиб қолади....

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА КУЗГИ КЎЧАТ ЭКИШ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

***Ободонлаштириш бош бошқармасининг таклифига асосан Тошкент шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов 1999 йилнинг 1 ноябридан 1 декабригача Тошкент шаҳрида «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлиги ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ туман ҳокимликлари, шаҳар корхона ва ташкилотлари учун кузги кўчат экиш режаси тасдиқланди.

Туман ҳокимликлари зиммасига:

ҳар бир туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

шаҳар ҳудудида кузги хазонрезги пайтида хазонлар ўз вақтида йиғиштириб олиб чиқилиши учун қўшимча транспорт ва механизмлар жалб этилишини таъминлаш;

хазонларни ёқишни қатъиян ман этиш; туманлар ҳудудида хазонларни компост қилиш учун махсус чуқурлар тайёрлаш ва йиғилган хазонларнинг ушбу чуқурларга ташланишини таъминлаш юклатилди.

Ойлик давомида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига туман ҳудудидаги ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат жамоалари, ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқувчи ва талабалари, жойлардаги аҳоли кенг жалб этилади. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси зиммасига ойликнинг боришини кенг ёритиб бориш топширилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

## ҲАЁТ МАЗМУНИ

***Шукритдин Илёсович Пахрутдиновнинг фаолиятига назар ташлар эканмиз, ҳалолу куюнчаклиги, тадбиркору ғамхўрлиги, эл-юрт ташвиши билан яшаши, бунёдкорлик салоҳияти каби фазилатлар соҳиби эканлигининг гувоҳи бўламиз.***



**● Шукритдин Илёсович Пахрутдинов, 1958 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, Юнусобод тумани ҳокими. 23-Астробод сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаб муҳандис-қурувчи ихтисослигига эга бўлган Ш. Пахрутдинов шаҳримиз қурилиш трестларида, А. Икромов ва Юнусобод туманлари ҳокимликларида турли лавозимларда ишлаган йилларида унинг муносиб саъй-ҳаракатлари билан гўзал пойтахтимизда бетакрор ва улуғвор иншоотлар қад кўтарди, пойтахтимиз чиройига чирой қўшилиб янада ободонлашди. Хусусан унинг олти йил давомида Юнусобод тумани ҳокимининг қурилиш ва меъморчилик масалалари бўйича ўринбосари, 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг шу туманда ҳоким вазифасида ишлаган даврда ишбилармон ва кенг фикр юритувчи раҳбарлик хислатлари тўла намоён бўлди. Шу йилларда Темурийлар тарихи давлат музейи, «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Интерконтиненталь», «Шератон Тошкент» каби жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган меҳмонхоналар, Миллий банкнинг муҳташам биноси, бутунлай янгича услубда лойиҳаланган замонавий кўприк қад ростлади, «Олой», «Юнусобод» бозорлари бунёд этилди, бир қатор мавзеларда нон ишлаб чиқариш корхоналари, Ғ. Абдуллаев, Туркистон, Чинор, Ўзбекистон мустақиллиги маҳаллаларида қулай, замонавий гузарлар қурилди, Амир Темур хиёбони ва шу номдаги шоҳ кўчалар қайта таъмирланиб, замонавий тус олди.

Биз Шукритдин Пахрутдинов билан учрашиб, ўз сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатлари хусусида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Дарҳақиқат, халқ менга ишониб номзодимни кўрсатибдими, демак янада қатъият, шижоат билан меҳнат қилишимга, сайловчиларнинг ишончини қозонишимга тўғри келади, — дейди Шукритдин ака. — Бевосита сайловолди дастуримга келсак энг аввало эътиборни ижтимоий муҳофазани мустаҳкамлашга қаратаман. Шу сабабдан ҳам ҳозиргача туманда ногиронлар, пенсионерлар, кўп болали, кам даромадли ночор оилалар, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга 7000000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар хайрия сифатида топширилди. Ҳар бир байрамда ўксик қалблар ҳолидан хабар олиш туманда одат тусига кирган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, хусусан, қарияларга моддий ёрдам кўрсатувчи жамғарма тузиш ниятим бор.

Дастуримдан ўрин олган яна бир масала — ёшлар билан ишлашга янгича ёндошувдир. Назаримда ҳар қандай партиялар ёки бошқа ташкилотлар ҳукмронлигидан холи, ўзини ўзи бошқарувчи ёшларнинг жамоат ташкилотини тузишнинг аллақачон вақти келди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ҳам сайловолди дастуримнинг энг асосий йўналишлари қаторига киради. Жумладан, ўтган икки йил давомида туманда 320 ўринли Шарқшунослик лицейи, 600 ўринли радиотехника коллежи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошида 375 ўринли, Тошкент Давлат юридик институти қошида 450 ўринли академик лицейлар бинолари бунёд этилди ва замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Ҳасанбой даҳасида 1200 ўринли мактаб ҳамда 200 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди. Туман мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари замонавий тажрибаларни ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга юбориш, маънавий ва маърифий жиҳатдан етук комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратилмоқда, туман мактаблари ўқитувчилари, ўқувчилари, боғча тарбиячилари ва тарбияланувчиларини 2000-2005 йилларга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини сақлаш ва тиклаш дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилаверилади...

Дарҳақиқат, Шукритдин Пахрутдинов халқнинг дардини, ташвишларини, муаммоларини чин юракдан ҳис қилади. Халқнинг турмуш шароитларини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, фарзандларимизнинг соғлом, бақувват, илмли, идрокли, салоҳиятли, одобу ахлоқда беназир бўлиши учун жон куйдириш, ғамхўрлик қилишни ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни деб билади.

*Акбар ЙЎЛДОШЕВ.*

## ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

***Тошкент юридик коллежи директори, юридик фанлари номзоди, доцент Миршоҳид Мирҳамидов билан бўлган суҳбатимиз бўлажак депутатлар олдида турган вазифалар, уларнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчлари хусусида кечди.***



**● Миршоҳид Мирҳамидов, 1944 йилда туғилган, миллати ўзбек, партиясиз, Тошкент юридик коллежининг директори. 2-Оқтепа сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

**— Сизнингча, янги сайланажак депутатнинг асосий вазифаси нималардан иборат бўлиши керак?**

— Назаримда, бўлажак парламентарийларимиз Ватанимиз равнақи, бахт-саодати йўлида хизмат қилишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишлари зарур. Бунинг учун уларнинг ҳар бири етарлича ҳаётий тажриба, билим, ғайрат-шижоат, одамлар оғирини енгил қилишга интилиш ҳиссига эга бўлишлари зарур.

Бугун бизнинг олдимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли жамият барпо этишдек улуғвор вазифалар турибди. Ўз навбатида, юртимизда кечаётган барча соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ватандошларимиз маънавий дунёсини янгилаш, янги-янги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ҳам кўп жиҳатдан мамлакат парламентига, унда фаолият кўрсатаётган депутатларга боғлиқ. Олий Мажлис депутатининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам ана шундай юмушларни ҳал этиш учун зарур ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиб, уларни қабул қилиш, мавжуд қонунлар ва ҳуқуқий актларнинг ижросини назорат қилишдан иборат.

**— Шахсан сиз келгусида мамлакатимизда қонунчилик соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?**

— Маълумки, республикамизда туб ислоҳотларнинг чуқурлашиши натижасида макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсишига эришилди. Давлат инвестициялари ва хорижий сармояларнинг тўғри йўналтирилиши туфайли юртимизни саноатлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Аммо мамлакатимизда ўтиш даври силлиқ кечаяпти, деб бўлмайди. Жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг суст бораётганлиги, айрим корхона ва хўжаликларнинг бозор муносабатлари талабларига тўла мослаша олмаётганлиги, кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликлари фаолиятининг тўхтаб қолаётганлиги иқтисодий тараққиётнинг илдам кечишига халақит бермоқда. Фикримча, бундай ҳолатларга барҳам бериш учун саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан боғлиқ инвестиция, солиқ, хусусийлаштириш ҳақидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, бу соҳаларни бошқарадиган органлар тизимини ислоҳ қилиш талаб этилади.

Республикамизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтишнинг машҳур беш тамойилидан бири ҳам айнан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишга қаратилган эди. Ўша кезлар қўлланилган аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тамойилидан уни ишончли кафолатланган ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимга ўтилди. Эндиликда бундай кўмакни биринчи навбатда аниқ мақсадли тарзда ташкил этиш, аҳолининг ночор ва ёрдамга муҳтож қатламига қаратиш масаласи кўндаланг турибди. Бу эса ўз навбатида, депутатлар зиммасига ижтимоий ҳимояга доир қонунларимизни янада такомиллаштириш устида иш олиб бориш ва давр талабига жавоб берувчи янги ҳуқуқий ҳужжатларни юзага келтириш вазифасини ҳам юклайди.

Олий Мажлис томонидан кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Аммо ҳали бу асос янада такомиллаштирилиши керак. Шу маънода, бўлажак депутатларнинг жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи турли институтлар фаолиятини яхшилаш каби масалалар устида ҳам жиддий бош қотиришлари, тегишли янги қонунларни ишлаб чиқишлари зарур бўлади. Умуман, Олий Мажлисга янги сайланажак депутатлар зиммасида маънавият, маърифат, таълим-тарбия, экология, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ва бошқа кўплаб масалаларда фаол меҳнат қилиш вазифаси турибди.

*Ғафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.*

## ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Ушбу қўшма корхона қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Пойтахт объектларида асосий қурилиш-монтаж ишларини олиб боради. Қўшма корхонанинг кўпгина лойиҳалари Ўзбекистоннинг Инвестиция дастурига киритилган.***

***Сергей Сергеевич билан суҳбатимиз жуда дилкаш ва амалий кечди. Қўшма корхона бош директорига берган саволимиз шундай бўлди:***



**● Сергей Сергеевич Ким, 1959 йилда туғилган, миллати корейс, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, «Билдинг технолоджиз» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси бош директори. 8-Миробод сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

**— Бўлажак сайловларга қандай боряпсиз?**

— Иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятни янада демократлаштириш, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш... Ана шу учта муҳим омил Ўзбекистонга бозорни олдинга қараб силжитишда туртки бўлади ва мустаҳкам бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар қаторида мустаҳкамланиб олишга ёрдам беради. Айтилган бу сўзлар ижтимоий тармоқ, маданият, таълимни ривожлантириш масалаларининг четда қолишини асло англатмайди. Бинобарин давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини ўзимнинг бош мезоним деб биламан.

**— Буни ўз тасаввурингизда қандай кўраётганлигингизни тушунтириб берсангиз...**

— Биринчидан ва энг муҳими — иқтисодиётнинг аниқ сектори, тараққиётидир. Бунга товар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатадиган корхоналар ва транспорт, алоқа, қурилиш ташкилотлари киради. Жаҳон тажрибаси ана шу тармоқларнинг тараққиётисиз юксалишга эришиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Бизда иқтисодиётни юксалтириш юзасидан ҳозир муваффақиятли равишда амалга оширилаётган ҳукумат дастури қабул қилинган. Унда ана шу катта ва муҳим ишнинг деярли ҳамма жиҳатлари қамраб олинган. Лекин ҳар қандай ҳужжат сингари дастурлар ҳам тадбиркорлар, хўжалик юритувчилар, иқтисодиётимизни ислоҳ қилишга дахлдор бўлган барча кишилар учун ва уларнинг кенг фаолият кўрсатишлари учун катта имкониятлар яратади. Худди ана шу ўринда менинг бир қанча дастурий ишларим бор. Мен фақат ўзимизнинг, Ўзбекистоннинг молларинигина сотиб олишга даъват қилиш фикридан йироқдаман. Чунки ўзим ҳам баъзида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилмай хориж маҳсулотларини сотиб олишга ҳаракат қиламан. Хўш, нима қилиш керак? Бунинг йўли битта: маҳаллий ишлаб чиқаришда шундай шарт-шароитлар яратиш керакки, токи бу ерда бошқа жойлардан келтирилаётган молларга рақобат бўладиган сифатли товарлар ишлаб чиқариш мумкин бўлсин. Бу гап баъзиларга хом хаёл бўлиб туюлиши мумкин. Йўқ, асло! Бизнинг мамлакатимизда «Ўзбекистонда тайёрланган» деган ёрлиқ билан ишлаб чиқарилиб, ўзимизнинг ички бозоримизда харидорлар томонидан жон деб сотиб олинаётган маҳсулотлар озмунчами?! Лекин шундай қувонарли далилларнинг янада кўпроқ бўлиши учун тадбиркорларни ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Анчадан бери аниқ ишлаб чиқариш соҳасида ишлайман. Бундай ишларни ташкил этишда муайян тажрибам ҳам бор. Айрим масалалар хусусида ўз нуқтаи назаримга эгаман.

Бир нарсага эътиборни қаратинг: Ғарбдаги иқтисоди ривожланган давлатларда тадбиркор муҳим омил ҳисобланади. Ҳаётнинг амалий бутун жиҳатлари ҳам унинг манфаатларига бўйсундирилган. Биз Ўзбекистонда ҳам ана шундай амалиёт сари бормоқдамиз. Бинобарин, агар бирор киши ўз пулини қўйиб ёки банкдан кредит олиб иш юритишга қарор қилган экан, бу нарса ҳар қандай мақтовга сазовордир. Бундай одам жамият, ҳукумат, қонунчилик томонларидан ҳар қандай эътиборга молик ва бизлар унга ижодий ва ижобий меҳнатлари учун барча шарт-шароитларни яратмоғимиз даркор.

**— Бунинг эвазига жамият нимани олади?**

— Тартиб билан санаб ўтақолай: бозорда товарнинг янги хилини ва хизматини, янги иш ўринларини, солиқлар ҳисобига ва бюджетдан ташқари фондларни тўлдириш эвазига пайдо бўладиган хўжалик юритувчи субъектлар эвазига хазиналарнинг тўлишини ва ҳоказо. Ўз навбатида бу нарса бозорда рақобатни кучайтиришга, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва унинг арзонлашишига, бюджет ҳисобига кирувчи ходимларнинг маошлари ушланиб қолиши ҳоллари бўлмаслигига ва қатор ижобий жиҳатларга олиб келади. Бундай ҳол бутун дунёда мавжуд. Агар хорижда бундай мақсадларни амалга ошириш учун қарийб уч юз йил сарфланган бўлса, биз ўз ислоҳотларимизни янада қисқароқ муддатларда амалга ошириш имкониятларига эгамиз. Осиёнинг тажрибаси буни муддатидан олдин бажариш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Бунинг учун эса вақтни бой бермасдан, барча йўналишларда ислоҳотларни қонуний асосларда таъминлаш учун саъй-ҳаракатлар қилишимиз ва масъулиятни ҳис этишимиз керак.

Президентимизнинг мамлакатимизни буюк келажак кутмоқда, деган сўзларини амалий ишларга, ҳаракатга даъват сифатида қабул қиламан. Фақат ўз меҳнатимиз, ташаббускорлигимиз, омилкорлигимиз, янгилик сари интилишимиз ўзимиз ва фарзандларимиз учун буюк келажакни яқинлаштиради.

*Хондамир СОЛИҲОВ суҳбатлашди.*

## ҚАЛБГА ЙЎЛ

***Баҳодиржон хизматчи оиласида туғилиб ўсган. Отаси Саидмурод ака ўзининг ҳаёт йўлини оддий муҳандисликдан бошлаб халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилиб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сурмоқдалар.***



**● Баҳодир Саидмуратович Султонов, 1960 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, «Чуқурсой автокорхонаси» акционерлик жамияти бошқаруви раиси. 12-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Баҳодиржон ёшлик чоғлариданоқ техникага ихлосманд эди. У оилада қўни-қўшни болалар билан ўйнаган вақтида ҳам кўпроқ ўйинчоқ машиналарни тизиб «Мана буниси бу томонга юради, мана буниси қарши томондан келади» деб айтарди... Отаси Саидмурод ака эса «Ўғлим, сен улғайсанг дўхтир бўласан, онанг ҳам, мен ҳам сенинг келгусида шифокор бўлишингни истаймиз», дерди.

Ўрта мактабда таълим олган кезларида у кўпроқ аниқ фанларга — физика, геометрия, математика, чизмачиликка эътибор бериб уларни пухта ўрганишга интиларди. Шунинг учун бўлса керак Тошкент автомобиль йўллари институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, олий ўқув юртига қабул қилинди. Баҳодиржон талабалик йилларида ҳар томонлама чуқур билим олишга интилар эди.

Тўғри, институтни тамомлаб амалий ишга бориб ишласа ҳам бўлар эди, лекин у ўз ихтиёри билан ҳарбий хизматга отланиб, танк қўшинлари сафларида хизматни адо эта бошлади. Ёш йигитнинг эпчил, ғайратли одамлар билан ишлаш фазилатларини сезган бўлим сардорлари уни тез орада взвод командирлигига тайинлашди. Баҳодиржон ўз бошлиқларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилди.

Умр оқар сувдек ўтиб кетар экан. Икки йиллик ҳарбий хизмат ҳам ўтиб кетди. Шунда ҳарбийдаги устозлари: «Баҳодир Саидмуратович, биз сизни икки йил ичида ҳар томонлама синаб кўрдик, сиз ўзингизда командирликка хос вазилатларни кўрсата олдингиз, агар рози бўлсангиз ҳарбий хизматни шу ерда давом эттиришингиз мумкин. Келгусида ҳарбий академияга ўқишга юборамиз», дейишди. Лекин Баҳодиржон туғилиб ўсган юртини соғинарди. «Ахир мен ўз юртимга ҳам керак одамман-ку» деб ўйларди. Шунинг учун ҳам ҳарбий қўмондонлик раҳбариятига миннатдорчилик билдириб она шаҳри — Тошкентга қайтиб келди.

Баҳодир Султонов ўзининг меҳнат фаолиятини «Ўзтаъмирлашқурилиш»трести Республика бирлашмасида етакчи муҳандис лавозимидан бошлади, унинг ҳарбий хизмат даврида олган амалий-назарий билимлари бу ерда жуда қўл келди. Қисқа вақт ичида ўзининг ишчанлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Баҳодиржоннинг ушбу фазилатларини кўра билган ташкилот раҳбарияти Тошкент шаҳридаги 77-таксисаройга бориб ишлашни тавсия қилишди.

Баҳодиржон бу ерда дастлаб техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, тасарруф бўлими бошлиғи, автокорхона бош муҳандиси вазифаларида ишлади. У қўл остидаги ишчи-хизматчилардан билмаганини ўрганди, билганини уларга ўргатди. Айниқса, саксонинчи йилларнинг ўрталарида автомобилсозлик соҳасидаги янгилик бўлган автомобилларни сиқилган газ билан юргазиш бўйича кўплаб таклифларнинг ташаббускори ҳамда уларни автокорхонада ҳаётга тадбиқ қилишда бор билими ва кучини аямади. Натижада автокорхонада автомобилларга газ қуйиш, газ ускуналарини таъмирлаш бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Баҳодиржонни номи матбуот саҳифаларида ҳам тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Унинг ишчанлигини зимдан кузатиб келаётган «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасидагилар ўз ҳузурларига чақириб, у билан суҳбатлашдилар, суҳбат якунида Баҳодиржонни Тошкентдаги 1-автокомбинатга раҳбар лавозимига тавсия қилдилар.

Баҳодир Султонов ушбу жамоага раҳбар бўлиб келгач кўпгина хайрли ишларнинг ташаббускори бўлди. У биринчи навбатда ҳар бир ҳайдовчи билан умумий тил топишга ҳаракат қилди. Раҳбарнинг камтарлиги, самимийлигини сезган ҳар бир ходим унинг олдига истаган вақтларида кириб дарду ҳасратини айтиб бошлиқдан тегишли маслаҳатлар, амалий ёрдамлар олишар эди.

Мана қарийб беш йилдан буён у 400 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган жамоага ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиб келмоқда.

Баҳодир Саидмуратович доимо «Дўстларим, сизлар ҳар куни юзлаб одамларнинг узоғини яқин қилиб, ҳожатини чиқарасизлар, албатта ҳар бир одамнинг характери, ҳулқ-атвори ўзига хос ва ранг-баранг, шунинг учун ҳар бир йўлловчи билан хушмуомалали муносабатда бўлишингизга тўғри келади. Халққа сидқидилдан хизмат қилиш осон иш эмас. Бу эса сиздан ўта сезгирликни, хушмуомалаликни талаб қилади...» деган сўзларни таъкидлайди.

*Абдулла ИСМОИЛОВ.*

## ЭЛ МАНФААТЛАРИНИ ЎЙЛАБ

***Атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳамдардлик билан қараш Нигматулла Шермуҳамедовичда анчагина олдин — Чилонзор туманидаги «Тез ёрдам» нимстанциясида фельдшер бўлиб ишлаётган пайтларидан бошланган. Хаста кишилар ва уларнинг қариндош-уруғларининг қийналаётганини кўрар экан у ўз ҳаёт йўлига айлантирган касбида маҳорат чўққиларини эгаллашга аҳд қилди.***



**● Нигматилла Шермуҳамедович Расулов, 1941 йилда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Акмал Икромов туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси бош шифокори. 1-Саноат сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларидаёқ у «Тез ёрдам»да ишлай бошлади. Олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг эса Тошкент вилояти, Янгиобод шаҳрида шифокор сифатида фаолият бошлади. Сўнг Республика илмий-тадқиқот институти аспирантурасига кирди ва номзодлик диссертацияси устида иш бошлади. Номзодлик илмий даражасини муваффақиятли ёқлаганидан сўнг у Тошкент тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасига ишга ўтди ва шу билан бир вақтда илмий ишини ҳам давом эттирди. 40 дан ортиқ мақолалар чоп эттирди. Жигар ва ошқозон-ичак хасталикларида миллий таомлардан фойдаланиш юзасидан ўз кузатувлари бўйича гастроэнтерологлар бутунжаҳон конгрессида маъруза қилди.

Изланувчан ва қатъиятли характерга эга бўлган Нигматулла ака ишда ғайрат кўрсатмасдан ижодий ютуқларга эришиб бўлмайди, дея таъкидлашни хуш кўради. Ўзи ҳам қаттиқ меҳнат қилар ва атрофидагиларни ҳам шунга ундарди. Кўринишидан, унинг худди ана шу сифати Тошкент тиббиёт институти интернатура ва ишлаб чиқариш амалиёти факультети деканлиги, сўнгра Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарлигига етаклади.

Шайхонтоҳур туманидаги 18-поликлиникани ташкил этганида унинг зўр ташкилотчилик қобилиятлари тўла-тўкис намоён бўлди. Бош шифокор қайта таъмирлаш давом этар экан эски, ташландиқ мактаб биносини деярли тарк этмади ва орадан беш йил ўтгач поликлиника ўзининг дастлабки мижозларини қабул қила бошлади.

Хўш, Акмал Икромов туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмасининг бош шифокори бўлганида унинг ишга нисбатан ёндашувида қандай ўзгаришлар бўлди, дерсиз. Аввалам бор, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган янада кенг кўламлироқ вазифаларни ҳал этишга йўналиш пайдо бўлди. У раҳбарлик қилаётган жамоа болалар ва оналар ўлими, сариқ касаллиги билан оғришни камайтириш, ногиронларни диспансерлаштириш ва соғлиғини тиклаш бўйича тадбирларга йўналтирила бошланди. Ва уларнинг ҳар бири бўйича тез орада яхши натижаларга эришила бошланди, бу эса Акмал Икромов туманига рейтинг бўйича тўртинчи ўринга кўтарилишга имкон берди. Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Маҳалла, мактаб, болалар боғчаларида санитария-тарғибот ишларини кучайтириш, шифокорларнинг ҳовлима-ҳовли айланиб чиқиши ва албатта режаларда белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий назорат бунга омил бўлди. Оилавий поликлиникаларда оналар ва болалар хоналари катта самара билан ишлай бошлади, стационарлар қошида кекса аёллар ва ҳомиладорлар учун махсус хизмат кўрсатувчи бўлимлар очилди. Оилавий шифокорлар хизмати ҳам ўз ишини бошлади. Шу йили Ҳабиб Абдуллаев маҳалласи қошида 15 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи шифокорлик пункти очилди. Худди шундай шифокорлик нуқтасини Ўрикзордаги Беговот маҳалласида ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ҳа, шу каби кўпгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, Нигматулла Шермуҳамедовичнинг режалари улкан. Шифокорнинг сайловолди дастуридан бир қанча масалалар ўрин олган бўлиб, уларнинг ечимида янада фаолроқ қатнашиш ниятида. Ундаги асосий қирралар, бу — соғлом турмуш тарзига эришиш, гиёвандлик ва СПИД муаммоларини ечиш учун курашиш, маҳаллий хом ашё асосида аҳолига арзон дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Нигматулла Шермуҳамедовичнинг режаларидан аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган экология муаммоларини ҳал этиш бўйича фаол ишлаш ҳам ўрин олган. Бу эса нафақат автотранспорт ва саноат корхоналари чиқарадиган зарарли газлар, балки қуриган баргларни ёқиш ва ундан чиқадиган бўғувчи газларнинг нафас олиш органлари, қон, жигар, аллергик касалликларни келтириб чиқариши, шунингдек, очиқ оловда мумнинг эритилишидир.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

## ВАЪДАГА ВАФО

***Айтишларича, агарда инсон ўз атрофига кичик жамоани тўплаб, унинг аниқ ишлашини ташкил эта олса, у катта корхонага ҳам раҳбарлик қилиши мумкин. Ҳақиқий етакчи доимо кишилар қалбига тўғри йўл топа олади, уларнинг муаммоларини тушунган ҳолда самарали меҳнатга жалб эта олади.***



**● Султонмурод Ортиқов, 1948 йилда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, «Матбуотнақлиёт» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси. 3-Акмал Икромов сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

«Матбуотнақлиёт» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Султонмурод Ортиқовни ҳам айнан мана шундай ҳислати ўз номзодини Олий Мажлис депутатлигига қўйишида муҳим ўрин тутди, десак адашмаймиз.

С. Ортиқов 1989 йилдан буён ушбу корхонани бошқариб келади. 1996 йилда у бошқараётган Давлат нашриёт қўмитасининг автобазаси «Матбуотнақлиёт» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганда эса Султонмурод акани яна бошқарув раиси этиб сайладилар. Иқтисодий жиҳатдан мураккаб бўлган, кўпгина корхоналар ўтиш даврида юзага келган қийинчиликларга дош беролмаётган бир вақтда нафақат жамоани сақлашга, балки уни янги шароитларда ишлашга йўналтиришга эришилди. Иқтисодий маълумотга эга бўлган ҳолда (Султонмурод Ортиқов Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисод факултетини тамомлаган) у республика раҳбарияти томонидан бошланган ва иқтисодиётни кўтаришга қаратилган ислоҳотлар фақат ҳар биримиз янгича фикрлаш ва ишлашга ўтсаккина муваффақият келтиришини яхши тушунади. Бозор муносабатлари бир жойда депсинишни эмас, аксинча ташаббускорлик, мулкка эгалик ҳисси, тадбиркорликни ёқтиради. Бинобарин, Ортиқов бошқараётган автокорхона нафақат ўтиш даврининг талотўпларидан омон қолди, балки фойда келтирувчи, рақобатбардош корхонага айланди. Бу ерда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилиши ҳам муҳим омилдир. Ва жамоа четдан бировнинг ёрдамига муҳтож эмас, балки ўз «аравасини» ўзи бемалол тортиши мумкин. Бундан беш йил олдин ташкил этилган лимонарий ҳосил бера бошлади. Ҳозир бу ерда ҳар бир ходимни мевалар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мевали дарахтлар экишни режалаштиришмоқда. Оддий одамлар эҳтиёжларини яхши тушунган ҳолда (зеро Ортиқовнинг ўзи ҳам қачонлардир ўз фаолиятини ҳайдовчи сифатида бошлаган) у ўз ишчиларини қуруқ ваъдалар билан «боқмайди», аксинча уларга меҳнат қилиш ва ўз меҳнати насибаларидан фойдаланиш реал имкониятларини беради. Умуман, рўёбга чиқмайдиган ваъдалар бериш Султонмурод Ортиқов феълига хос хусусият эмас. Шу сабабли ўз сайловолди дастурини тайёрлар экан, у бугунги кунда жамият олдида турган ҳамда депутат бўлиб сайланса Олий Мажлисга кўтариб, уларнинг ҳал бўлишига эриша оладиган муаммоларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилади. Номзод ўз дастурида янги иш жойлари ташкил этиш ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига биринчи даражадаги вазифа сифатида ёндошди. У ёш кадрларни имкон даражасида хорижга ўқишга юбориш керак деб ҳисоблайди. Номзод мактаб ўқувчилари, коллежлар, олий ўқув юртларининг талабаларини барча зарур дарсликлар билан таъминлаш йўлида курашади. Транспорт соҳасининг мутахассиси сифатида бугунги кунда йўлларримизга катта эътибор қаратиш, уларда тегишли тартиб ўрнатиш лозимлигини яхши тушунади. Ўз дастури бўйича С. Ортиқов республикамизда «Намунали йўл учун» ҳаракатини ташкил этишни таклиф қилади. Эски машиналар эса нафақат транспортчилар, балки барчамизнинг умумий муаммомиздир. Ахир улар атроф-муҳитни ифлослантирадилар. Шу сабабдан номзод машиналар паркини янгилаш ва шаҳарларимиздаги экологик вазиятни яхшилаш ғояларини илгари сурмоқда.

Султонмурод аканинг ўзи кўп болали оилада ўсган ва шу сабабдан уларнинг муаммолари яхши таниш. Шунинг учун унинг сайловолди дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш каби масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Албатта, битта материал орқали номзод дастурининг барча бандлари тўғрисида ҳикоя қилишнинг иложи йўқ. Ортиқов бу тўғрида ўз сайловчилари билан учрашганда сўзлаб беради, бироқ энг муҳими, кишиларни яхшилаб тинглаш, уларнинг муаммолари билан танишишдир.

— Олий Мажлиснинг депутати бўлиш — бу катта масъулият, — дейди Султонмурод ака. — Агарда сайловчилар менга ишонч билдирсалар депутат бўлгач, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Муҳим масалалар, долзарб муаммолар мени доимо ўйлантириб келган. Агарда имконият туғилса, бизнинг қонун чиқарувчи органимизда мен уларни кўтариб, тинч-тотув келажак, барқарорлик ва фаровонликни таъминлайдиган қонунларнинг қабул қилиниши учун ҳаракат қиламан.

*Даврон ИСАЕВ.*

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

## ТАЪЛИМ ВА САЛОМАТЛИК ЖОНКУЯРИ

*Конституциямизнинг 7-моддасида «Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деб кўрсатилган. Шундай экан, эл ҳурматини қозонган кишиларни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.*



**● Хамид Якубович Каримов, 1941 йилда туғилган, миллати ўзбек, партиясиз, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректори, 26-Беруний сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мен шу ўринда Ҳамид Каримов ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчи эдим.

Бугунги кунда минглаб шифокорларнинг устози, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Нью-Йорк тиббий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректори Ҳамид Каримовнинг илм чўққиларини эгаллашдаги меҳнатини, ғайрат-шижоатини, ёшларни тарбиялашдаги фидокорлигини, мамлакатимиз тиббиёт тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳамид Каримов Тошкент Давлат тиббиёт институтига у ташкил этилган кундан то бугунгача раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган ўн йил давомида устоз раҳбарлигида институтнинг ўқув-методик, илмий ва даволаш фаолиятларининг барча йўналишларига тубдан ўзгартиришлар киритилди. Домла аввало, талабаларнинг пухта билим олишларига катта эътибор қаратиб, институт профессор-ўқитувчилар жамоасини малакали кадрлардан жамлади. Натижада ўқитувчилар таркибининг 85 фоизини ташкил этувчи 110 нафар фан доктори ва 425 нафар фан номзодларидан иборат бўлган кучли педагогик жамоа шаклланди. Ҳамид Ёқубович талабаларнинг билим олишига алоҳида эътибор берар экан, ўқитиш тизимини замонавий техника билан жиҳозлашга киришди ва уни аъло даражада уддалади. Натижада, институт кафедралари замонавий компьютерлар билан таъминланди. Шу билан бирга институт замонавий кутубхоналарга, хусусан, Интернет тармоғидан ва АҚШ миллий Конгресси кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини берувчи электрон алоқа тизимига эга бўлди.

Ёшлар мураббийси Ҳ. Каримовнинг бевосита бошчилигида институт қошида фанларни чуқур ўргатувчи махсус лицей ташкил этилди. Ушбу лицейнинг 90 фоизидан кўпроқ битирувчилари республикамиздаги тиббиёт институтларининг талабалари бўлмоқда.

Ҳамид Каримов институтнинг билим бериш салоҳиятини янада кучайтириш мақсадида АҚШ, Франция, Англия, Финляндия, Туркия, Россия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келди. Ушбу сафарларда ўзлаштирилган ҳар бир янгилик институт шароитига мослаштирилган ҳолда татбиқ этилди. Ҳамид Ёқубовичнинг изланиши, хорижий давлатлардаги институтлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилишлари натижасиз қолмади. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти Чикагодаги Иллинойс университети, Испаниядаги Гранада университети, Финляндиядаги Або Академияси, Лондон университетининг Империал коллежи, Мисрдаги Эл-Мансур ва Загазиг университетлари билан таълим-тарбия, даволаш, кадрларни тайёрлаш борасида яқин алоқалар ўрнатди.

Ҳамид Каримов Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти шифохоналарида шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилишга ҳам асосий эътиборни қаратди. Бу ерда республикамизда биринчилардан бўлиб тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашган амбулатория даволаш курслари тизими ташкил этилди. Бугунги кунда бу тизим институтда мавжуд бўлган илмий-тиббий салоҳиятни катта самара билан қўллаш имконини бермоқда. Институт Оролбўйи ҳудудини оталиққа олиб, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни олдига мақсад қилиб қўйди. Домланинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида ҳамда Америка, Халқаро Соғлиқни сақлаш Жамиятининг ёрдами билан институт шифохоналарида аёлларни соғломлаштириш, шошилинч ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув маркази, неонатология ўқув даволаш методикаси каби марказлар ташкил этилди.

Устознинг таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилган меҳнат фаолияти ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимининг жонкуяри, профессор Ҳамид Каримовнинг сайловолди дастурида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида қилиниши керак бўлган аниқ режалар ўз ифодасини топган.

***Шерзод ЗОКИРХЎЖАЕВ,***
***2-Тошкент Давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор.***

## УНИНГ ЯГОНА ОРЗУИ

*— Мен шу юрт фарзандиман. Шу қутлуғ даргоҳда туғилиб, шу серқуёш ўлкада камол топганимдан бахтиёрман. Бугун Ўзбекистон — менинг Ватаним, дея фахрланишга ҳақли эканман, зеро бу сўзнинг ортида катта масъулият ётганини ҳам тўла ҳис этаман. Бу бурч — Ватанга садоқат, уни юракдан севиб, ёмон кўзлардан асраш, жаҳон ичра обрў-эътиборини янада баланд кўтариш ва ниҳоят ҳақ ва халқ йўлида астойдил хизмат қилиш каби хислатлардан иборат деб ўйлайман, — дейди Саида Ғаниева.*



**● Саида Исмаиловна Ғаниева, 1957 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси. 43-Навоий сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Донишмандлардан бири инсоннинг кимлиги унинг сўзида амалида ва айниқса қилган, қилаётган ишларидан билинади, деган экан. Шу нуқтаи назардан қараганда, Саида Ғаниеванинг ҳаёт йўлига назар ташлаган одам унинг сўзи билан иши бир эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

У Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1979 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугаллаб, «Маҳаллий саноат» бошқармасида муҳандис ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 1981 йилдан 90-йилгача Тошкент «Шарқ» чарм ва оёқ кийимлар ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлим бошлиғи ва бош муҳандис лавозимларида, 1990 йилдан 92 йилгача эса Собир Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаган. 1992 йилнинг июнь ойидан бошлаб «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмасида бош раҳбар лавозимида меҳнат қилиб келаётир.

У бошқараётган бирлашма Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини амалга ошира бериб, 1993 йилнинг октябрь ойида акциядорлик жамиятига айлантирилди. Шу йил бошидан эса корхона масъулияти чекланган жамият сифатида фаолият кўрсатмоқда. Жамият ўтган йиллар мобайнида фақат фойда билан ишлаб, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш суръатини 126 фоизга, бадиий буюмлар ишлаб чиқаришни эса 113 фоизга кўтара олди.

Саида Ғаниева меҳнат фаолияти жараёнида қаерда ишламасин, билимдон мутахассис ва яхши ташкилотчи сифатида танилди.

Бозор иқтисодиёти корхонани замонавий техникалар билан қуроллантиришни тақозо этар эди. Мана шуни ҳисобга олиб, корхона тубдан янгиланди. Маҳсулот сифатини ошириш уни чет эл бозорида рақобатбардош даражасига етказиш ва хорижий сармояларни жалб қилиш мақсадида Жанубий Кореянинг «Фан Азия», Буюк Британиянинг «Рагу» корхоналари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилди.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг 95 фоизини асосан аёллар ташкил этиши инобатга олиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш билан бир қаторда унумли меҳнат, оилада бола тарбияси билан шуғулланиш ва саломатликларини тиклаш масалаларида ҳам барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Биргина шу йилнинг ўзида ишчиларга қўшимча тўланадиган 40 фоизли мукофот пулидан ташқари 205 минг сўмлик ёрдам пули берилди.

Саида Ғаниева жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У республика ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмиталарининг аъзоси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси, республика «Олтин мерос» халқаро жамғармаси аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унинг меҳнатлари Ватанимиз томонидан муносиб тақдирланди — «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

— Не бахтки, бугун халқим менинг номзодимни Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига қўйган экан, бу ишончни тўла оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди Саида Ғаниева. — Халқнинг ўзи дилдан ёқтирган одамини эркин шароитда танлаб олади. Бугун замон ўзгарди. Одамларнинг фикр доираси кенгайди. Энди улар ким нимага қодирлигини англаб етдилар. Шундай экан, халқнинг овозини олиш учун бирдан-бир йўл — ишонтириш.

Менинг сайлов дастуримнинг асосий мағзини ҳам республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, экологик хавфсизлик, фуқароларнинг иқтисодий иштироки даражасини ошириш, одамларда меҳнатсеварлик, ишчанлик фазилатларини камол топтириш халқимизнинг янги ўсиб келаётган авлодини маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш каби умумдавлат аҳамиятига эга бўлган вазифалар ташкил этади.

Ягона тилак ва истагим эса халқ йўлида хизмат қилишдан иборат.

***Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.***

## ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

*Келажакка бўлган ишонч инсонни янги мақсадлар сари ундайди. Жамолдин Камалдиновнинг ана шу келажакка бўлган ишончи уни ҳамиша ҳаётни севишга, изланиш ва интилишга, ўз касбини улуғлашга чорлайди.*



**● Жамолдин Камалдинов, 1946 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трести бошқарувчиси. 20-Толариқ сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Жамолдин Камалдинов Андижон вилоятида деҳқон оиласида туғилди. Болалигиданоқ ота-онасидан меҳнатга муҳаббатни, она заминни эъзозлашни ўрганди. Шаҳарга борган вақтларида эса у равон кўчаларни, у ерда қатновчи қулай йўловчи транспортларни кўриб дили яйраб кетарди. Ажабмаски, бу унинг ҳаёт йўлини танлашига туртки бўлган бўлса. Ўша болаликдаги ҳавас уни Армия хизматидан сўнг «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трестига бошлади. У жамоадаги тажрибали мутахассислар билан янги йўллар, кўприклар қуриш, таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб, ўзига хос тажриба орттирди. Назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида эса Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Йўл муҳандиси мутахассислигини эгаллаган тиришқоқ йигит секин-аста усталикдан таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг бош муҳандиси, сўнгра трест бош муҳандиси даражасига кўтарилди. Етарли билим, тажриба, меҳнат ўз самарасини бермай қолмади. 1998 йилнинг август ойидан бошлаб Жамолдин Камалдинов таркибига 5та таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, ишлаб чиқариш техник йиғув ҳамда механизация бошқармаларини жам этган «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трестига бошқарувчи этиб тайинланди.

У бошқараётган йўл қурувчилари томонидан кўплаб замонавий, кўркам ва равон кўчалар бунёд этилмоқда. Айни кунларда ҳам буюртмалар етарли, ишчилар меҳнат қилмоқда, ишига қараб ўз вақтида маош олишмоқда. Яқин кунларда эса Собир Раҳимов туманида яна бир замонавий — Уста Ширин ҳамда Аҳмад Дониш кўчаларини боғловчи кўприк қурилиши ниҳоясига етади.

— Раҳбарнинг вазифаси ҳамма ишлар бўляптику деб қўл қовуштириб ўтиришдан иборат эмас, — дейди Жамолдин Камалдинов. — У ҳамиша ишлаб чиқариш базасининг ривожланиши, меҳнат шароитининг яхшиланиши, ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши хусусида қайғурмоғи лозим. Янги иқтисодий шароитдан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларни белгилаш керак. Йўл-қурилиш материаллари сифатини ошириш, объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни амалга ошириш технологияларини ишлаб чиқиш, бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришиш ана шулар жумласидандир. Шу мақсадда биз асфальт-бетон заводини ишлаб чиқариш қувватини оширадиган жиҳозлар билан янгилаш, сифатли битув, дизель ёқилғиси ва бошқа керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган нефть-узатиш мажмуаси қурилишини ниҳоясига етказишни мўлжалламоқдамиз. Шуни алоҳида айтиш лозимки, Англия давлати билан ҳамкорликда ушбу корхона экологик тоза бўлади. Янги йилдан ташкил этиладиган сервис-марказда ишлатилган техника ва механизмларни қайта таъмирлаш йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси йўл қурувчилари ишининг сифатини оширишда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, мустақиллик шарофати билан ташкил топган ва «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» тресги таъсисчилари бўлган 3та қўшма корхона муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Замонавий, кенг ва равон кўчалар, шоҳкўчалар бунёд этишда, йўловчи ва транспортчиларга қулайликлар яратишда, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишда уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Жамолдин Камалдинов тўрт фарзанднинг отаси, бир набирага бобо. У бугунги ёшлар муаммолари хусусида ҳам ғамхўрлик қилади. У трест раҳбари сифатида ўзи истиқомат қилаётган маҳалладаги 68-мактабга, тумандаги соғломлаштириш мажмуаси ва болалар боғчасига оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, трест ўз ёш кадрларининг малакаларини ошириш, янги технологияни эгаллашларига эришиш мақсадида олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Кадрларга бундай ғамхўрлик кўплаб ишчилар сулоласининг етишиб чиқишига, жамоа таркибини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.

Жамолдин Камалдинов бўш вақтини ҳам бекор ўтказмайди. Шахмат ишқибози. Ўзи ҳам яхшигина ўйнайди. Ўзининг таъкидлашича, бундай дам олиш унга янги мақсадлар белгилашда ва яхши ютуқларга эришишда катта ёрдам беради.

***Шарифа ИЛЁСОВА.***

## ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ

*Отаси Садир Хўжаевнинг «Инсон одамларга қанчалик меҳр берса, шунча кўп меҳр қозонади» деган доно ўгитлари ҳамиша Мамура Юсупованинг ҳаёт йўлида ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Отаси нафақат уйлар ва муҳташам бинолар бунёд этди, тўрт фарзандни оқил қилиб тарбиялади, кўплаб шогирдлар етиштирди, уларни доим яхши ишларга, ҳақиқатга, ўз вазифасига сидқидилдан ёндошишга ундади.*



**● Мамурахон Садировна Юсупова, 1958 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Боровский номли Тошкент тиббиёт билим юрти директори. 17-Мингўрик сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Маъмура отасининг касбини эгалламасада, унинг ҳар бир насиҳат ва ўгитларини доимо қулоғида тутди. У одамлар соғлигини тиклаш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш истагида тиббиёт соҳасини танлади. Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугаллаб, Боровский номли тиббиёт билим юртида дарс бера бошлади. У бирор шифохона ёки поликлиникада шифокор бўлиб ишлашни орзу қиларди, лекин унга, олган билимларини бировларга ўргатиш ҳам катта санъат эканлигини уқтиришди. Мамура бу ишни сидқидилдан уддалади.

Тўғри, аввалига Мамура учун талабаларга дарс ўтиш осон кечмади. Бироқ бир дарсдан иккинчи дарсгача у янада пухта тайёрланар, ўз устида тинмай ишларди, билим юртининг малакали мутахассисларидан ёрдам олди, улардан ўрганди, илмий адабиётлардан тинмай фойдаланди. «Мамура опанинг пухта ва аниқ тушунтиришлари, қийин материалларни тажрибалар орқали бизга етказишлари боис бўлса керак терапия фанини биз осон ва пухта ўзлаштириб олишга эришдик», — дейди билим юрти битирувчилари.

У ўн йил талабаларга терапиядан дарс берди, кейин эса уни бўлғуси тиббиёт ҳамшираларини амалий ўқитиш бўлимига мудир қилиб тайинлашди. У ўз ишини сидқидилдан бажаришга интилди, талабаларнинг билим юртида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш, мустаҳкамлаш борасида кўмак берди. Ҳозирда билим юрти директори сифатида яна ҳам кўплаб ишларни амалга ошираётган меҳрибон мураббий, моҳир ташкилотчи, жонкуяр раҳбарлигини намоён этиб келмоқда.

Мамура Садировна Миллий дастурни ўқитиш фанларининг илғор усуллари асосида ўзлаштириш йўсинини нафақат ўзи бошчилик қилаётган тиббиёт билим юртида, балки шаҳримиздаги мавжуд шу тоифадаги бошқа билим юртларига тадбиқ этишда ҳам алоҳида жонбозлик билан ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У тиббиёт коллежлари учун Давлат стандарти, ўқув режалари, фанлар бўйича дастурлар яратган муаллифлардан бири саналади. Мамура Марказий Осиё Давлатларининг Ҳамширалик иши бўйича Кенгашининг Ўзбекистон бўлими бошлиғи, шунингдек Тошкент шаҳар тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раёсатининг аъзосидир.

Жорий йилнинг янги ўқув йили бошланиши арафасида «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган кўргазмада у раҳбарлик қилаётган билим юрти жамоаси томонидан тиббиёт коллежлари учун биология ва анатомиядан намунавий ўқув хонаси ташкил этилди. Кўргазмага ташриф буюрган Президентимиз Ислом Каримов билим юрти ўқитувчилари томонидан шу хонада уюштирилган машғулотда иштирок этиб, келгусида тиббий коллежларининг ўқув хоналари шу намунадагидек жиҳозланишига эришиш лозимлигини таъкидладилар.

Мамура Юсупова маънавий ва ахлоқий тарбия хусусида ҳам амалий, ҳам назарий ишлар олиб бормоқда. Ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишларида, билимли, кучли, зукко, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшувчи мутахассислар қилиб тарбиялашда ўзининг бутун куч-ғайрат ва билимини сарфламоқда. Ўзи раҳбарлик қилаётган билим юрти талабаларини мустақиллик ғояларига содиқ этиб тарбиялашда, она-Ватанга, миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизни уларнинг онгига сингдиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга жаҳон андозалари даражасидаги мутахассислар тайёрлаш борасида жамоа аъзолари билан ҳамкорликда ҳамиша изланишда ва шунга интилади. Бу мақсад йўлида тинмай ўрганиш, меҳнат қилиш лозимлигини, келажакка ишонч, одамлар ташвиши билан яшаш кераклигини у жуда яхши англайди ва бу йўлда ҳормай-толмай ишламоқда. Шу боис ҳам билим юрти жамоаси нафақат шаҳримиздаги даволаш-профилактик муассасалар билан, балки хорижлик мутахассислар билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар. Мамура Юсупова уч нафар фарзанднинг онаси, ҳақиқий меҳрибони сифатида ҳамиша уларнинг келажагини, шунинг баробарида ёшларимиз келажагини ўйлайди. Уларнинг Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари учун қайғуради.

Мамура Садировна одамлар дардига малҳам бўладиган жонкуяр тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш борасида ҳамиша изланиш билан бирга мустақил республикамиз равнақига ўзининг муносиб улушини қўшиш, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, одамларга меҳр улашиш истагида яшайди ва меҳнат қилади. Зеро, у «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак»лигини дилдан ҳис этади. Бу нарсалар унинг сайлов дастури асосини ҳам ташкил этади.

***Шоира ИСАЕВА.***

## ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

*Мактаб директорини муаллимларнинг муаллими дейишларида катта ҳикмат бор. Чунки у мактабда ўқув-тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлмоғи, шахсий намунаси билан педагогик маҳоратнинг юксак намуналарини кўрсатмоғи керак.*



**● Раъно Хайдаровна Хамралиева, 1951 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, 52-мактаб директори, 32-Содиқ Азимов сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Республика халқ таълими аълочиси Раъно Хамралиева ўз касбининг фидойиси бўлган ана шундай маҳоратли мураббийлардан биридир. У оддий тарбиячиликдан мактаб директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Раъно Хайдаровна ихтисослиги бўйича дефектолог-ўқитувчидир. У 1974 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатгач ҳанузга қадар болалар тарбияси билан машғул. Уларни доимо она заминга муҳаббат руҳида тарбиялашга интилади...

Маълумки, таълим-тарбия жараёни доимо ишда ўзгаришлар қилиб туришни тақозо этади. Ана шу жиҳатдан олганда Раъно Хайдаровнага ҳавас қилса арзийди. Чунки унинг ёнида ўқитувчилик касби масъулиятини дилдан ҳис этадиган ҳамкасабалари — мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Л.Пилипюк, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари А.Шчетинина, касаба уюшмаси раиси Л.Шиманфилар бор. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ҳаётда нималар ҳам бўлмайди, дейсиз. Тажрибали ва доно директорга баъзи нобоп оилаларнинг болалари тарбияси билан жиддий шуғулланишга тўғри келиб қолади. Шундай пайтларда Раъно Хайдаровна ақл билан, босиқлик билан иш кўради.

— Денис Кашаповнинг онаси бор-йўғи 30 ёшга кирган бўлса-да ичкиликка ружу қилиб қолган эди, — дейди Раъно Хайдаровна. — Бундан Денис жуда изтиробга тушарди. Уни кўргач мен Денисининг онасини мактабимизга ишга олишга қарор қилдим. Балки энди у болалар ёнида бўлганида бошқача бўлиб қолар...

Раъно Хайдаровнанинг педагогик фаолиятида бундай оқилона йўл тутиш сингари унинг усулларини кўплаб гувоҳи бўлиш мумкин. Коля Бочкарев тўрт йил мактабга келмади. Сўнгра унинг онасини мактабга — оддий идиш-товоқларни ювувчиликка ишга олишди.

Эндиликда Коля ўзини дадил ҳис этиб 4-синфда ўқимоқда.

Раъно Хайдаровнанинг меҳр-мурувватти, унинг одамларга ва уларнинг ташвишларига нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишига яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Болаларни ўйлаш ушбу педагогик жамоанинг ҳаёт тарзига айланган. Буларнинг ҳаммаси мактаб директорининг бевосита раҳбарлигида қилинади. Бинобарин шу ўринда Раъно Ҳайдаровнанинг мактабдаги ўқув-тарбия жараёнларига янгича педагогик технологияларни жорий этиш борасидаги, синфдан ташқари ишларни самарали ташкил этишдаги, ҳар бир боланинг баркамол инсонлар бўлиб етишиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш керак. Мактаб устахонасига келган ўқувчилар дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик сингари касб сирларини ўрганадилар. Мактабни битирганларидан сўнг уларни 5-касб-ҳунар билим юртига ва «Тоштўқимачимаш» акциядорлик жамияти қошидаги билим юртига, Ҳамза туманидаги корхоналарга бажонидиллик билан қабул қилишади.

Мактаб жамоасининг нафақат корхоналар ва билим юртлари билан, балки халқаро ташкилотлар билан алоқалари кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шу ўринда мактаб жамоасининг франциялик Лоренс Мэрилет оиласи билан дўстлиги тўғрисида алоҳида тўхталиш мумкин. Тўрт нафар ўғли ва тўрт нафар қизи бўлган бу оила мактаб жамоасига болаларни ҳаётга яхши мослашиши бўйича ишларда яқиндан ёрдам бермоқда.

Юқоридаги ибратли ишларнинг ҳаммасида Раъно Хайдаровнанинг беназир улуши бор. У болалар шахси камоли йўлида ҳар қандай имкониятларни қўлдан бермасликка ҳаракат қилади. Раъно Ҳайдаровна тез-тез ўз ўқувчиларининг оилаларида бўлиб уларнинг аҳволи билан танишади. Шу боисдан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод сифатида сайловолди дастуридаги муҳим бандлардан бири — оддий одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим ва эзгу вазифалар ўрин олганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бундан ташқари уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, пенсионерлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшиш ҳам унинг эзгу ниятларидан биридир.

Албатта Раъно Хайдаровнанинг режаларидан муаллимларнинг обрўсини ошириш, таълим тизимини такомиллаштириш, фарзандларнинг камол топиши йўлида имкони борича етарли шарт-шароитларни яратиш сингари эзгу мақсадлар ҳам ўрин олган.

***Саид БОТИРОВ.***

## ЯШАШДАН МАҚСАД

*«Тинчлик ва хотиржамлик ҳамма нарсадан улуғ». Бу сўзни Маҳамадали Қамбаралиевич тез-тез такрорлаб туришининг боиси бор. Чунки унинг ўзи ўша мудҳиш 16 февраль куни кучли портлаш рўй берган энг қайноқ нуқта — ҳукумат биносида бўлиб, барча воқеаларнинг шоҳиди бўлганди...*



**● Махамадали Камбаралиевич Эргашев, 1951 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамияти бошқаруви раиси. 28-Йўлдош сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

— Ҳамкасбларим ва маҳалладошларим билан ҳар гал учрашиб, уларнинг сўзларини тинглаганимда, — дейди М. Эргашев, — мен яна бир карра улар Президентимиз Ислом Каримов танлаган йўлни бажонидил қўллаб-қувватлаётганликлари ва мустақил Ўзбекистонимизнинг бу йўлда дадил одим ташлашида қўлларидан келганча хизмат қилаётганликларининг шоҳиди бўламан.

...Маҳамадали Ўш областининг Оқтош қишлоғида яшовчи оддий оилада олтинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. Унинг отаси уруш қатнашчиси бўлиб, тинчликнинг нақадар қадрли эканлигини яхши билар ва фарзандларини шунга ундар, уларнинг ўз туғилган ўлкаларини улуғлашга, қадрлашга, яхши ўқиб, ҳалол меҳнат билан оила тебратишга ўргатарди.

М. Эргашев ҳамиша кўзлаган мақсадига эришишга ҳаракат қилади. Шу туфайли у ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент политехника институтига ўқишга кирди. Институтни тугаллаб, тақсимот бўйича Ҳайдаркон симоб комбинатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик у Тошкент алюмин қуйиш заводига бош муҳандисликка ишга таклиф этилди. Орадан олти йил ўтиб, жамоа уни корхона директори лавозимига кўтарди. У ишлаётган корхона «Ўзиккиламчиранглиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бўлиб, энг илғорлардан ҳисобланарди. У иш жараёнида ҳар жиҳатдан ўзининг ҳалол ва меҳнатсеварлигини кўрсатиб, ўзгаларга намуна бўлди. Жамоа обрў-эътиборини кўтаришга ҳаракат қилди.

Бозор иқтисодиёти даври ўзгаришлари мақсад сари янада фаол ҳаракат қилишга ундади. «Ўзиккиламчиранглиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп ўтмай — 1994 йили акционерлик жамиятига айлантирилиб, М. Эргашев жамият бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Орадан икки йил ўтиб эса жамоа аъзолари уни бошқарув раиси лавозимига кўтаришди. Шу кунгача М. Эргашев ана шу лавозимда ишлаб келмоқда.

Дастлабки қадамлар, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ижобий таъсирини кўрсатди. Жамоада ишлаб чиқариш ҳажми кўтарила борди. Дастлаб давлат олдидаги қарзлардан қутилинди. Кейинчалик эса ишчиларнинг маошини кўпайтириш имконияти туғилди. Шунингдек, жамоа олдида турган социал масалалар ижобий ҳал этилиб, ишчиларга самарали меҳнат қилишлари, дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Корхона жамоаси ўзгаларга саховат кўрсатишда ҳам анча-мунча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, у Сергели туманидаги маҳаллаларда яшовчи иқтисодий ёрдамга муҳтож пенсионерларга саховат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, кўрлар жамияти, «Умид» реабилитация маркази ҳамда 3-мактаб ва 318-болалар боғча-лицейи тарбиланувчилари ҳам корхона саховатидан четда қолишмаяпти.

М. Эргашев ваъда беришдан олдин уни бажаришни ўйлайди. «Сўз бердингми, унинг устидан чиқиш керак». Унинг мана шу ибратли томонини корхона жамоаси ҳам, маҳаллий бошқарув идоралари ҳам қадрлайдилар.

— Бугун биз асосий эътиборни ёшларга қаратишимиз керак, — дейди Маҳамадали Қамбаралиевич. — Уларни фойдали ишга жалб этиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун барча шароитларни яратиб беришимиз лозим.

М. Эргашев ўз сўзига амал қилган ҳолда бугунги кунда туман ва шаҳарда спортни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У Ўзбекистон дзю-до уюшмасининг вице-президенти ҳисобланади. «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамияти эса «Пахтакор» футбол клубини ўз оталиғига олган.

— Мустақил республикамизнинг танлаган йўли энг тўғри йўлдир, — дейди М. Эргашев. — Мана шу йўлдан оғишмай бориш шунингдек, Ватанимизни янада гуллабяшнаши учун ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

***Обид РАСУЛОВ.***

